

**ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ПЕДАГОГ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИНГ  
ЎРНИ**

**Қ.Б.Умаров**  
**С.Қ.Мадумарова**  
**А.З.Солиев**

*Наманган муҳандислик-қурилиш институти*

**Аннотация:** *Ушбу ишда таълим тизимини янада такомиллаштириш, хорижий давлатларнинг бу борадаги тажрибаларини ўзлаштириш ва таълим жараёнига татбиқ этиш олий таълим муассасаларининг устувор йўналиши экани, таълим жараёни мазмунини такомиллаштириш, унинг янги ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, янги ўқув адабиётларини яратиш ҳамда ўқитишнинг илғор методларини таълим жараёнига кенг жорий этишда педагогик кадрларни компетентлик салоҳиятининг ўрин келтирилган.*

**Калит сўзлар:** *компетентлик, ўқитишнинг илғор методлари, педагогика, ахборот технологиялари, ноанъанавий вазиятлар, инновацион педагогик ва ахборот технологиялар.*

**РОЛЬ КОМПЕТЕНТНОСТИ УЧИТЕЛЯ В ПОВЫШЕНИИ КАЧЕСТВА  
ОБРАЗОВАНИЯ**

**К.Б.Умаров**  
**С.К.Мадумарова**  
**А.З.Солиев**

*Наманганский инженерно-строительный институт*

**Аннотация:** *В данной работе приоритетом высших учебных заведений является дальнейшее совершенствование системы образования, усвоение опыта зарубежных стран в этом отношении и применение в образовательном процессе, совершенствование содержания образовательного процесса, разработка и внедрение его новые учебные планы и образовательные программы, создание новой учебной литературы и место компетентностного потенциала педагогических кадров в широком внедрении в учебный процесс передовых методов обучения.*

**Ключевые слова:** *компетентность, передовые методы обучения, педагогика, информационные технологии, нетрадиционные ситуации, инновационная педагогика и информационные технологии.*

Ҳозирги кунда, таълим тизимини янада такомиллаштириш, хорижий давлатларнинг бу борадаги тажрибаларини ўзлаштириш ва таълим жараёнига татбиқ этиш олий таълим муассасаларининг устувор йўналишига айланмоқда. Таълим жараёни мазмунини такомиллаштириш, унинг янги ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, янги ўқув адабиётларини яратиш, педагогик ва ахборот технологиялари ҳамда ўқитишнинг илғор методларини таълим жараёнига кенг жорий этиш ва бошқа вазифалар ижросини таъминлашда педагогик кадрларни компетентлик салоҳияти муҳим ўрин тутди.

Компетентлик (ингл. “competence” – “қобилият”) – фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олишини ифодалайди. Компетентлик тушунчаси таълим соҳасига психологик илмий изланишлар натижасида кириб келган. Психологик нуқтаи назардан компетентлик – ноанъанавий вазиятлар, кутилмаган ҳолларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб боровчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эгалликни англатади.

Таълим жараёнида замонавий педагогик ва ахборот коммуникацион технологияларни қўллашда педагогнинг компетентлик салоҳияти муҳим ўрин тутди. Таълим жараёнида фаннинг хусусиятига қараб замонавий педагогик технологияларни танлаш ва дарс жараёнида педагог назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиши дарс самарадорлигини оширишда энг муҳим ўрни туради. Педагог қуйидаги педагогик маҳоратларга эга бўлиши шарт. Педагог шахсига қўйиладиган талаблар қуйидагича:

1. Дарс бериш маҳорати.
2. Тарбиялаш маҳорати.
3. Ўқув-тарбия жараёнида инсонпарварлик тамойилларига ёндашувни таъминлайдиган шахсий сифатлар.
4. Талабаларнинг билимларини холисона назорат қилиш ва баҳолаш маҳорати.

Дарс бериш маҳорати қуйидагиларда намоён бўлади:

- касбий лаёқат ва эрудиция;
- психологик-педагогик тайёргарлик;
- таълим оловчиларни мустақил фикрлаш ва янги билимлар олишга ўргатиш маҳорати;
- инновацион педагогик ва ахборот технологияларини эгаллаганлик, интернетнинг глобал тармоғи билан ишлаш бўйича амалий кўникмалар;
- педагог кадрлар малакасини оширишнинг асосий шаклларини билиш;



- фанлараро алоқалардан фойдаланиш маҳорати;
- нотиклик санъати асосларини билиш.

Педагогнинг талаба шахсини шакллантиришдаги етакчи ролини назарда тутиб, жамият унга доимо объектив тарздаги ва педагогнинг юксак заковати ҳамда унинг педагогик фаолиятига муносабатини белгиловчи шахс сифатларини эгаллашини қамраб олувчи юксак талабларни қўяди. Педагогнинг ғоявий эътиқоди унинг шахсий-маънавий сифатлари билан узвий боғланган. Билимдонлик – педагог учун шарт бўлган фазилат. Унинг вазифаси ўсиб келаётган авлодга инсоният жамғарган илмий билимларни очиб беришдир. Педагогик фаолиятнинг бу жиҳати педагоглардан чуқур билимдонлик, фан-маданият, санъат, этиканинг турли соҳаларига оид билимлар, замонавий фан ютуқлари ва муаммоларини билишни талаб қилади. Ўз фанини яхши биладиган педагог талабаларни қизиқтириш, уларнинг фикрини кўзлаш, фан ва амалиётга манфаатдор муносабатни шакллантиришга қодирдир.

Ўқитувчининг шахсий тарбияланганлик кўрсаткичлари ва мезонлари қуйидагича:

- мулоқотчанлик - тил билиш, турли хил инсонлар билан мулоқотда бўлиш, жамоада ўзига хос ўринда туриш;
- ватанпарварлик - ўлка ўтмиши, ҳозирги ҳаётига қизикиш, табиатга меҳр қўйиш ва уни асраш, ватанининг буюк кишилари билан фахрланиш;
- фаоллик ва ташаббускорлик – ижтимоий ҳаётда фаол қатнашиш, ташаббускорлик, ташкилотчилик, ҳамма ишда ўрнак бўлиш;
- ўзини-ўзи тарбиялаш - ахлоқий сифатларни таҳлил қилиш орқали ўзидаги камчиликларни қайта тарбиялашга интилиш, ўзини объектив баҳолаш;
- соғлом турмуш тарзига амал қилиш;
- масъулиятлилик – ўз вазифасини сидқидилдан бажариш, олинган мажбуриятни ўз вақтида аниқ бажариш, бошлаган ишини охирига етказа олиш;
- ишчанлик - вақтдан тўғри фойдаланиш, ижтимоий меҳнатда фаоллик;
- инсонпарварлик – жамоага қўшила олиш, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, муҳтожларга ёрдам бериш, меҳр-шафқатлилик, ғамхўрлик, самимийлик;
- ҳалоллик - самимийлик, ростгўйлик, уз хатосини тан олиш, суз билан иш бирлиги, ваъдага вафо қилиш, узгалар мулкига тегмаслик;
- камтаринлик - кишилар орасида ажралиб туришга ҳаракат қилмаслик, ахлоқли бўлиш, ташқи кўриниши билан ажралиб турмаслик, мақтанчоқ бўлмаслик, босиқлик, оддийлик, соддалик, сиполик.

Талабаларнинг билимларини холисона назорат қилиш ва баҳолаш маҳорати психологик, педагогик жиҳатдан ўқитиш ва тарбиялаш маҳорати билан узвий боғлиқдир. Педагог талабаларни билимлари ва маҳоратларини холисона баҳолаш тамойиллари, методлари ва механизмларини билиши, стандартлаштирилган тестларни ишлаб чиқиш, таълим олувчиларнинг

ўзлаштиришини назорат қилишнинг турли шакллари самарали қўллаш маҳоратига эга бўлиши керак.

Олий таълим муассасаси педагоглари таълим-тарбия жараёнида компетентли бошқариш жараёнида қуйидаги вазифаларни бажаришлари керак бўлади: лойиҳалаштириш, ташкиллаштириш, таҳлил қилиш, назорат қилиш, мотивациялаш.

Педагогларнинг компетентлиги бир қатор компонентларни ўз ичига олади ва унинг ютуғини кафолатлайдиган асосий омиллар ҳисобланади: юксак ғоявий-сиёсий савия, кенг дунёқараш, мукамал билим, қобилият, креатив тафаккур, ташкилотчилик, ҳалоллик, адолатлилик, ташаббускорлик, коммуникативлилик, инсонпарварлик, янгиликларни тез қабул қилиш, меҳнатга ижодий ёндошув, касбий рефлексия, юқори имиж, мантиқий фикрлаш, педагогик деонтология, актёрлик маҳорати ва бошқалар.

Педагог ўз фаолиятини ҳар куни рефлексия қилиш педагогнинг компетенциясини ривожланиб бориши учун муҳим замин ҳисобланади. Касбий рефлексия – ўз-ўзини билиш, ўз-ўзини тушуниш, ўз-ўзини англаш, ўзини-ўзи бошқариш, ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз-ўзини баҳолаш демакдир.

Педагог шахсининг билимдонлиги талабаларни самарали бошқаришнинг муҳим омили ҳисобланади. Педагогнинг билимдонлик қирраларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Касбий билимдонлик педагогик фаолиятини мукамал йўлга қуйиш учун тўла маълумотлар, билим ва малакаларга эга бўлиши.

2. Услубий билимдонлик – билган нарсалари, мавзу бўйича маълумотлар, топшириқларни тез, тўғри ва тушунарли тарзда талабаларга етказа олиш қобилияти.

3. Ижтимоий-психологик билимдонлик – талабалар билан ишлаш, улар билан тил топиша олиш, гуруҳни уюштира олиш, уни яхши ишлашга сафарбар қила олиш, ўзидаги лидерлик сифатларини тўла намоён эта билиш қобилияти.

Педагогнинг касбий компетенцияси педагогик (ўқув ва тарбия) жараёни самарали, муваффақиятли ташкил этилишини таъминлайди. Касбий компетенцияга эга бўлиш учун педагог ўз-ўзини изчил ривожлантириб боришга эътиборни қаратиши зарур.

#### **АДАБИЁТЛАР:**

[1] Umarov, Q. B., and N. Makhmudov. "BASIS OF THE STRENGTH OF THE MUG SEED ON THE EARTH OF THE WORKING BODY." МЕХАНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ 4 (2021): 52.

[2] Umarov, Q. B. "MAIN CRITERIA FOR THE QUALITY OF LIGHTING IN RESIDENTIAL AREAS." Мироя наука 2 (59) (2022): 102-105.



[3] Umarov, Qudiratilla Bekboevich, and SHavkat Inamdjonovich Nabiev. "GENIUS-GOALS AND OBJECTIVES OF EDUCATION." Scientific and Technical Journal of Namangan Institute of Engineering and Technology 2.7 (2020): 368-374.

[4] Ibragimovich, Mamadjanov Akhrorjon, Soliyev Alisher Zokirjonovich, and Hasanov Xojiakbar Bahodirjon o'g'li. "DETERMINATION THE RATIO OF HEAT CAPACITY AT CONSTANT PRESSURE WITH CONSTANT HEAT CAPACITY VIA THE VELOCITY OF SOUND WAVES IN GASES." Web of Scientist: International Scientific Research Journal 2.12 (2021): 54-61.

[5] Bobokhuzhaev, K. U., et al. "The rare earth elements interaction with the oxygen in the silicon; Vzaimodejstvie redkozemel'nykh ehlementov s kislorodom v kremnii." (2011).

[6] G Gafurjon, K Bekbaevich, UK Bekbaevich, International Journal on Orange Technologies, Vol 2, Iss 12, 2020

[7] KB Umarov EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR) - Peer Reviewed Journal 7, 2, 267-270, 2021

[8] QB Umarov, NQ Usmanova, Scientific and Technical Journal of Namangan Institute..., Vol 1, Iss 11, 245-248, 2019

[9] QB Umarov, SHI Nabiev, Scientific and Technical Journal of Namangan Institute..., Vol 2 Iss 7, 2020

[10] Boydedayev, S. R., M. M. Umaraliyev, and A. R. Turgunov. "APPLICATION OF THE VENN DIAGRAM METHOD IN THE LABORATORY LESSON" DETERMINATION OF YOUNG'S MODULUS OF DIFFERENT METALS BY BENDING METHOD". Web of Scientist: International Scientific Research Journal 3.9 (2022): 377-381.

[11] Rahimjonovich, Boydedayev Sobirjon, Umaraliyev Maksud Mahmudovich, and Turgunov Adham Rakhmatillayevich. "EXPERIMENTAL OBSERVATION OF MECHANICAL ENERGY CONVERSION INTO HEAT ENERGY." Web of Scientist: International Scientific Research Journal 3.11 (2022): 101-106.

[12] Rahimjonovich, Boydedayev Sobirjon, Umaraliyev Maksud Mahmudovich, and Turgunov Adham Rakhmatillayevich. "Experimental Determination of the Force in the Magnetic Field of an Air Coil." The Peerian Journal 12 (2022): 27-30.

[13] Rakhmatillayevich, Turgunov Adham, Boydedayev Sobirjon Rahimjonovich, and Umaraliyev Maksud Mahmudovich. "OBSERVATION OF THE GENERATION OF AN ELECTRIC PULSE DUE TO A CHANGE IN THE MAGNETIC FLUX IN A CLOSED CIRCUIT AT THE CASSY Lab2 DEVICE." Web of Scientist: International Scientific Research Journal 3.11 (2022): 337-341.

[14] Rahimjonovich, Boydedayev Sobirjon, and Umaraliyev Maksud Mahmudovich. "STUDY OF FERROMAGNETIC HYSTERIZES CURVES IN CASSY LAB." Web of Scientist: International Scientific Research Journal 3.9 (2022): 520-525.

[15] Rahimjonovich, Boydedayev Sobirjon, Umaraliyev Maksud Mahmudovich, and Turgunov Adham Rakhmatillayevich. "TO THE MAGNETO-OPTICAL ANISOTROPY OF THE Mg CRYSTAL THE EFFECT OF CHANGING THE MAGNETIC STRUCTURE OF

FeBO3." Web of Scientist: International Scientific Research Journal 3.9 (2022): 175-180.

[16] Rahimjonovich, Boydedayev Sobirjon, Umaraliyev Maksud Mahmudovich, and Turgunov Adham Rakhmatillayevich. "TO THE MAGNETO-OPTICAL ANISOTROPY OF THE Mg CRYSTAL THE EFFECT OF CHANGING THE MAGNETIC STRUCTURE OF FeBO3." Web of Scientist: International Scientific Research Journal 3.9 (2022): 175-180.

[17] Rahimjonovich, Boydedayev Sobirjon, Umaraliyev Maksud Mahmudovich, and Turgunov Adham Rakhmatillayevich. "TO STUDY THE DEPENDENCE OF THE INTENSITY OF" ABSOLUTE BLACK MATTER" RADIATION ON TEMPERATURE AND DISTANCE." Galaxy International Interdisciplinary Research Journal 9.12 (2021): 671-675.

[18] Mamadjanov, A. I., A. R. Turg'unov, and M. M. Umaraliyev. "Investigate The Dependence Of The Light Refractive Index Of An Ideal Gas On Its Pressure Using Interferometers." INTERNATIONAL JOURNAL OF ADVANCED RESEARCH ISSN: 2320-5407.

[19] Mamadjanov, Akhror Ibragimovich, and Adhamjon Raxmatillayevich Turg'unov. "Measurement of Small Deformations with a Mach-Zehnder Interferometer." 2632-9417.

[20] Umaraliyev, Maksud, and Adham Turgunov. "MEASURING OF THERMAL CONDUCTIVITY COEFFICIENT IN SOIL SAMPLES." Scientific and Technical Journal of Namangan Institute of Engineering and Technology 3.5 (2022): 34-39.

[21] Rakhmatillayevich, Turgunov Adham, Mislidinov Baxtiyor Zaynidinovich, and Rakhmonov Shokhruxh Shukurjon O'g'li. "DETERMINATION OF SOUND VELOCITY IN DIFFERENT GASES USING INNOVATIVE DEVICES." Web of Scientist: International Scientific Research Journal 3.12 (2022): 88-94.

[22] Rahimjonovich, Boydedayev Sobirjon, Umaraliyev Maksud Mahmudovich, and Turgunov Adham Rakhmatillayevich. "Determination of Wood Module of Different Metals Bending." American Journal of Social and Humanitarian Research 2.10 (2021): 184-187.

[23] Тургунов А.В. «СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОЛОГИИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРЕЕМСТВЕННОСТИ НАУЧНЫХ ПОДХОДОВ В ПРЕПОДАВАНИИ АТОМНОЙ ЯДЕРНОЙ ФИЗИКИ». Наука и инновации 2.А5 (2023): 275-278.